

КИШЛОК ХАЖИКАТИ

1990 йил 12 январь

ЖУМА

№ 10 (4.804).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар кун чиқади

Баҳоси 3 тийин

Халқ номзодлари

МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРУР

Инсон болаликда нималари озу қилмайди дейсиз. Тўқсонбой чорвадор оиласида туғилиб ўсди. Отта, қўй-қўзиларга меҳр қўйди. Йиллар каби қалби кенг инсонлар — чўпонлар суҳбатига тонг оттирган пайтлари кўп бўлди. Шофёр, учувчи бўлишни озу қилди. Юқори синфларда ўқитган кезлари расмликка ҳавас қўйди. Аммо кўпинча болалик ораулар ораулигича қолиб кетаверади. Унинг қизиқлиги ҳам шунда.

Тўқсонбой мактабни битирадиган йили аниқ қарорга келди: у чўпон бўлади. Пуриқор тоғлар, худудсиз яйловларсиз ҳаётини тасаввур эта олмаслигини тушунди. Фориш районидаги «Фориш» совхозни раҳбарлари уни очик чеҳра билан қабул қилишди. Ёшлар чўпон бўлишни истаётган эканлар, бундан фақат қувонмоқ кераклигини улар яхши билишарди. Аммо ёш чўпон кўп бўлмай улар бошини қотиришга тушди. Нега чўпон фақат

транзисторнинг қулоғини бураб юрарлар экан? Нега яйловларга электр симини келтириш мумкин эмас? Ахир XX аср охирида телевизор кўрмаслик мумкинми? Қайсар, лекин ўз касбининг билмидони шу томонлари билан барчага ёқиб қолди. Орадан икки йил ўтгач, уни бош чўпонликка тайинлашди. Энди 815 та қўй-улоқ унинг измида. Совхозда бундай катта отарлар бармоқ билан санарди. Бу ишонч ёш чўпон масъулиятини юз чандон оширди. Яқунланган йилда белгиланган режаларни зиёдаси билан ўринлатди. Қишлоқ-кировли кунлардан отарни бетафот олиб чиқиш учун ҳозир кунни кунга улаб меҳнат қилапти.

Яқинда Отақўрғон аҳолиси илғор чўпонни қишлоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди. Халқ ишончи Тўқсонбой Шариповни янги зафарларга ундамда.

Е. БОТИРОВ,
муаллиф сурати.



ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

10 январь кунини Тошкентда республика агрономат комплекси ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ер ва мулк тўғрисидаги СССР қонунари лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Кенгашда ҳўжаликларнинг раҳбарлари ва бригадирлари, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, олимлар, фермерлар, партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

Кенгашнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов олиб борди.

Кенгаш иштирокчилари тақдир этилаётган қонун лойиҳаларининг баъзи моддаларини ўзгартиришга доир бир қанча таклифларни айтидилар. Суҳбатдан ер фаровонлигининг асосини ташкил этадиган республика учун ер тўғрисидаги қонун билан бир қаторда сув тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш зарурлигини татиқладилар. Сўзга чиққан кишилар меҳнат ресурслари кўп бўлган ва сув етишмайдиган республикамиз шароитига анибатан таклиф этилаётган қонун лойиҳалари пухта ишлаб чиқиш ва янада аниқ белгилаб қўйиш кераклигини қайд этдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг қарори

НАХИЧЕВАН АССР ТЕРРИТОРИЯСИДА СССР ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚУПОЛ БУЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Президиуми Нахичеван АССР территориясида СССР Давлат чегараси атрофидаги оммавий тартибсизликлар ва безорилик ҳаракатлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, қарор қилади:

1. Содир этилган безориликлар ҳамда СССР Давлат чегараси тўғрисидаги қонун қупол бузилганлиги фактлари кескин қораланиш, бу фактлар Совет—Эрон чегарасининг мажбур участкасидаги вазиятни издан чиқаришга, чегара яқинидаги объектларнинг бузилишига ва СССР Давлат чегараси режимининг бузилишига олиб келди.

2. Озарбайжон ССР ва Нахичеван АССР давлат органлари чегара хизматлари билан биргаликда вайрон бўлган чегара объектларини қайта тиклаш юзасидан шўшилчи чора-тадбирларни қўраётганликлари, шунингдек ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари СССР Давлат чегараси тўғрисидаги қонунни қупол бузиш фактларини текшираётганлиги ва айбдор шахслар жавобгарликка тортилаётганлиги инобатга олинсин.

3. СССР Министрлар Советига Озарбайжон ССР республика ва маҳаллий давлат идоралари иштирокида чегара районларининг аҳолиси ўртага қўйган аниқ-равшан масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриш топширилсин.

СССР Олий Советининг
раиси
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 10 январь.

СССР Олий Совети Президиумининг қарори

АРМАНИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ ЮЗАСИДАН 1989 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДА ВА 1990 ЙИЛ 9 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҲЎЖЖАТЛАРИ СССР КОНСТИТУЦИЯСИГА МУВОФИҚ ЭМАСЛИГИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Президиуми шунини қайд этадики, Арманистон ССР Олий Совети СССР Олий Советининг «Тоғли Қорабоғ автоном областидagi вазиятни нормаллаштириш тadbirlari» тўғрисидаги 1989 йил 28 ноябрь қарори амал қилишни тўхтатишга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинган, бу қарорлар Тоғли Қорабоғ ва унинг атрофида миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувида олиб келди.

1989 йил 1 декабрда Арманистон ССР Олий Совети «Арманистон ССР билан Тоғли Қорабоғни қайта бириштириш тўғрисида» ва «СССР Олий Советининг «Тоғли Қорабоғ автоном областидagi вазиятни нормаллаштириш тadbirlari» тўғрисидаги 1989 йил 28 ноябрь қарори ҳақида» қарорлар қабул қилинган.

Озарбайжон ССРнинг розилигисиз Арманистон ССР билан Тоғли Қорабоғни қайта бириштириш эълон қилинганлиги СССР Конституциясининг 78-моддасини тўғривдан тўғри бузишдир.

Озарбайжон ССР Олий Совети ноконституцион орган — Тоғли Қорабоғ миллий кенгаши билан қўшма қарорлар қабул қилганлиги факти ва Тоғли Қорабоғ мухтор вакиллари сьездининг ҳамда шу сьезд тўғрисида миллий кенгашнинг автоном областдаги бирдан-бир қонуний ҳокимият деб тан олганлиги СССР Конституциясининг 2, 78, 86, 87 ва 145-моддаларига зиддир.

1990 йил 9 январда Арманистон ССР Олий Совети «Тоғли Қорабоғ автоном областини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1990 йилга мўлжалланган планини Арманистон ССР иқтисодий ва ижтимоий тарққитиш 1990 йилги давлат планига киритиш тўғрисидаги 1990 йил 9 январь қарорлари СССР Конституциясига мувофиқ эмас ва СССР Конституциясининг 74-моддасига биноан республика территориясида амал қила олмайди, деб ҳисоблансин.

СССР Олий Советининг
раиси
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 10 январь.

СССР Олий Совети Президиумининг қарори

ОЗАРБАЙЖОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ОЗАРБАЙЖОН ССР ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ АВТОНОМ ОБЛАСТИДАГИ ВАЗИЯТНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1989 ЙИЛ 4 ДЕКАБР ҚАРОРИ БИР ҚАНЧА МОДДАЛАРИНИНГ НОТЎҒРИЛИГИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Президиуми шунини қайд этадики, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг «Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ автоном областидagi вазиятни нормаллаштириш тadbirlari» тўғрисидаги 1989 йил 28 ноябрь қарорининг бир қанча нормалари амал қилишни тўғривдан тўхтатиб қўйилган.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Конституциясининг 73 ва 76-моддаларига асосланиб қарор қилади:

1. Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг «Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ автоном областидagi вазиятни нормаллаштириш тadbirlari» тўғрисидаги 1989 йил 4 декабр қарорини СССР Конституциясига мувофиқ ҳолга келтириш тақлиф қилинсин.

СССР Олий Советининг
раиси
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН—ЛЕНИНГРАД: ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ

Илгари хабар берилгандек, 1989 йилнинг 11 декабрда Ўзбекистон ССР билан Ленинград шаҳри ва Ленинград области ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Қуйида ана шу ҳужжат тексти эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР билан Ленинград шаҳри ва Ленинград области ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида ШАРТНОМА

Мамлакатимизда қайта қуриш ҳал қилувчи босқичга кирган ҳозирги пайтда йirik иқтисодий ва социал муаммоларни ресурсларни интеграллаш ва вужудга келтирилган илмий-техникавий имкониятдан самарали фойдаланишни кўчатириш асосида ҳал этиш учун регионлараро алоқаларни чуқурлаштириш ва ривожлантиришга муҳим ўрин берилмоқда.

Ушбу шартномада ишлаб чиқариш кўчаларини ривожлантириш, меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг қў-

раки узум, қуруқ мевалар, шарқ ширинликлари ва бошқа қондирер маҳсулотлари, мева-сабзавот консервлари етказиб беришни кўпайтириш;

Ленинград шаҳрида мева-сабзавот маҳсулоти, қуруқ мева, шарқ ширинликлари сотиладиган Ўзбекистоннинг фирма магазинларини очиш;

Ўзбекистонда Ленинград шаҳридаги машинасозлик корхоналарининг қайта ишлаш тармоқлари учун, сабзавот-мева омборхоналарини жиҳозлаш ва теплицаларни реконструкция қилиш учун, шунингдек шарқ ширинликлари ва бошқа қондирер маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун усуналар тайёрлайдиган филиаллари, цехлари ва участкаларини ташкил этиш;

Ленинград облаstdan Ўзбекистон ССР қолхозлари ва совхозларига маҳсулдор насли зотдор буюқлар ва уруғлик картошка етказиб бериш;

қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ташин, асраш, қайта ишлаш ва сотишда нобудгарчиликни камайтириш масалаларини ҳал этиш учун илмий ҳамкорлигини ривожлантириш;

Илмий тадқиқотлар, маданият, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасида

Ленинград шаҳри ва Ленинград облаstdan илмий-техника билим юрталари ва корхоналарида Ўзбекистон корхоналари учун турли тармоқларда ишловчи малакали ишчи кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

Ўзбекистон ССР йўллар-маси билан Ленинград шаҳри олий ўқув юрталарига қабулни кўпайтиришни, студентларнинг ишлаб чиқариш практикасини ва стажировкасини ташкил этишни назарда тутиш;

Ленинград шаҳрининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрталарининг аспирантуралари орқали фан-техника тараққитининг нуфузли йўналишлари бўйича Ўзбекистон ССР учун илмий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

соғлиқни сақлаш органларининг ҳамкорлигини ривожлантириш;

биргаликда базалар ва маршрутлар тузиб, жумладан чет эллик сайёҳларни ҳам қабул қилишга имкон берадиган туристлик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам бериш;

табобат муассасалари, санаторийлар, профилакторийлар, пансионатлар, ёшларнинг лагерлари ва пионер лагерларида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг яхши даволалини ва дам олиши учун шароитлар яратиш.

Мазкур шартнома юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни амалда рўйбоғ қилиш учун биргаликдаги ишларни мувофиқлаштириб туриш мақсадига;

Тошкентда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида ва Ленинград шаҳрида Ленинград шаҳар ва област ижроия комитетлари ҳузурида манфаатдор томонларнинг доимий ваколатхоналарини барпо этиш;

1990 йилнинг биринчи кварталда 1990 йил ва ўн учинчи беш йиллик учун конкрет тадбирлар программаси ишлаб чиқиш. Бу ишчи амалга оширишни Ўзбекистон ССР Плен давлат комитети ва Ленинград шаҳар ижроия комитети ҳамда Ленинград области ижроия комитети билан му-

вофиқлаштириб олишни топширди.

Республикамиз номидан аралаш комиссия тузилди ва мазкур комиссиянинг ишчи гуруппалари состави тасдиқланди. Иқтисодий ва халқ ҳўжалигини бошқаришни тақомиллаштириш, саноат, фан-техника тараққити, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик саноати, маданият, халқ маорифи ва кадрлар тайёрлаш, агрономат комплекси, территориялар ўртасидаги ўзар ҳамкорлик — ишчи гуруппалар фаолиятининг йўналишлари ана шулардан иборат.

КПСС Ленинград облаstdan комитети ва шаҳар комитетининг секретари
Ленинград шаҳар ижроия комитетининг раиси
Ленинград области ижроия комитетининг раиси

Б. ГИДАСПОВ.
В. ХОДИРЕВ.
Ю. ЯРОВ.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг секретари
Ўзбекистон ССР Министрлар
Советининг раиси

Н. КАРИМОВ.
М. МИРҚОСИМОВ.

Ўзбекистон ССРдан Ле-
нинград шаҳри ва Ленин-

облаstda янги узилган са-
бзавот, қовун-тарвуз, мева, ҳў-

ЧОРВА ҚИШЛОВИ НАЗОРАТ ОСТИДА

СОВУҚ СЎРОҚҚА ТУТДИ

Кейинги кунларда ҳароратнинг бирдан совиб кетиши баъзилар учун кутилмаган аҳвол бўлиши мумкин. Лекин Ўзбекистон клими учун бу табиий. Шаҳар ва қишлоқларга тушган қалнин қор, энти жулукитирувчи айз беришан серган тортирди. Бу республикамизнинг жанубий чеккаси — Сурхондарёда ҳам қишлоқларда ҳам аққол сезилди. Шундай даямларда айниқса чорвардорнинг ташвиши кўпайди. Ҳўш, сурхондарёликлар қишлоғи қандай тарадуд билан келишди бу саволга қиш қилчлики янгилаб қўйилган шунча-қундузда аниқ жавоб олиш мумкин. Ушбу мақола ҳам областда қишлоқнинг ҳолатига маълум даражада баҳо бериш, бир гуруҳ республика мутахассисларининг амалий сафарини яқунларини умумлаштириш мақсадларида ёзилди.

Адолат юзасидан айтганда, област чорвардорлари ўтган ҳўжалик йилида дурост меҳнат қилдилар. Давлатга сўт, туҳум, жун топиштириш планларини ортиги билан бажарилди. Қишлоқ учун етарли озуқа жамғарилди. Қўнчилик коллективларида чорвачилик комплекслари, молхоналар, бузоқхоналар ва қўралар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш бинолари пухта таъмирдан чиқарилди. Ҳўйларда ўртача семизликдан паст қорамол ва қўнчаларни қўнчилик озиқлантириш йўлга қўйилди, бу борада қўрсаткичлар сезиларли яхшиланди. Илгори бўлиналар катта меҳнат завоғи етиштирилган озуқанинг ҳар миқдорини авайлаб ишлатиш, ноубударчилиқнинг олдини олиш йўлидан бордилар. Сермеҳнат жараёнлар механизацияни жамғарта юклатилди. Айни пайтда инсон омилига эътибор қўйилди, чорвардорларнинг маданий-маиший шароити яхшиланди. Ана шу ҳаракатлар пировадидан қишлоқнинг ўтган даврида аввалги йилдагига қараганда 190 тонна гўшт, 831 тонна сўт ва 424 минг донга туҳум кўп етиштирилди. Лекин аҳволга рўй-рост баҳо берадиган бўлсак, қўрсаткичлар бундан ҳам баракали бўлиши кераклигини аққол сезилди. Айрим ҳўжаликларда бўлинишда 280—300 килограмм сўт ичирилган лозим. Бузоқларга сўтнинг сўт ёки атала тайёрлаб бериш ҳақида умуман ўйлашмайди. Шундай бўлса, жониворлар оғирлаб, касалликка чалиниши табиий. Мурғак бузоқларнинг органик моддаларга, витамин ҳамда макро-микрон элементларга эҳтиёжи қондирилмапти. Ҳар иккала мутахассис ҳам зоотехника илмининг бу оддий омилларини назарга олмайди. Наҳотки, олий маълумотли зоотехник, ветврачлар, бузоқ ва ситилар сарфлаётган озуқа бирлиги, ҳамма бўладиган, протеин, шакар, кальций, фосфор ва каротин моддалари нисбати ҳақида тушунчага эга бўлмаска, рацон тузишда ана шу қиш ҳақлари ҳисобга олмаска? Ҳўжаликда 71 бош ошқабоб бўлибди-ю ҳеч ким ветеринария врачининг мушугини «пишт» демади. Янгича иш услубида партия ва совет идораларининг ҳодимлари ҳўжалик ишларига аралашмаслиги ўқтирилмоқда. Районда ишлаётган биргина зоотехник фақат маълумот тўплашдан бошқа ишга қўриб етмайпти. Де-

мак, шундай ҳолатда барча масъуллик мутахассис зиммасига тушиб қерак. Шунинг учун унда етарли ҳўқуқ ва мустақиллик бериш керак. Биз колхоз правленияси раиси ўртоқ С. Қобуловдан шунга сўрамоқчи эдик: нега мутахассисларга нисбатан талабчанлик бўшашибди юборгансиз? Сиз чорвага эътибор деганда ферма дарвозаси ёки идораси олдида келиб-кейтиши тушунасизми? Ҳўжалик раҳбари бу ердаги аҳвол билан чуқурроқ танишиб қерак. Колхоз мутахассислари сўт ва туҳум етиштириш планларини бажарганимиз-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Масалга чуқурроқ қарайдиган бўлсак, маълумдорлик қўрсаткичлари талабга жавоб берилади. Биз колхозда бўлиганимизда йилнинг якуний рақамлари чиқарилмаган, шунинг учун ўн бир ойлик натижаларини қўрсатиш ганди. Унга қўра шу муддатда ҳар ситилдан 2.210 килограммдан сўт соғилди, ҳар товуқдан 147 тадан туҳум олинибди, гўштда топирилган ҳар бош қорамол 393, ҳар бир қўй 39 килограмм тош босибди. Ҳар юз бош ситир ва гунажидан 77 тадан насл олинган. Бундай рақамлар билан ҳеч ким мақтана олмаска қерак!?

Гагарин районидаги «Навбахор» совхозда 350 бош қорамол, минг бошдан қўнқор қўй қилинапти. Шунча жонивор учун совхозда атиги 121 тонна беда пичани тайёрланибди. Фермада биз бўлган кунни янги туғилган 7 бош бузоқ кириш қилинмаган экан. Буни қарангки, ҳўжаликда 220 бош шартли қорамол ҳисобига... 13 та раҳбар тўғри келаркан. Ушунда ҳам молхоналарда эшик-дараза йўқ. Биз бу ҳақда район партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида рўй-рост таъкиддик. Аммо совхоз директори Ҳўра Турсунов камчиликларни бўйига олиш ўрнига турли баҳоналар келтирди.

Ўтган йили Ленин йўли районига давлатга гўшт ва сўт топиштириш планлари ора йўлда қолди кетди. Айниқса Қосим Раҳимов номи, Бўдённий номи, Охунбоев номи совхозлар қолқорлар руҳини «пишт» демади. Чорвачиликка ҳамон панжа орасида қараётганлиги мутахассисларнинг ўз вақти фаларига совуқдон мусобаба оқибатида нафақат планлар барбод бўлди, балки анча-мунча моллар ноубудгарчилигига йўл қўйилди.

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Вильнюс, 10 январь. [ТАСС]. Литва ССРда ҳар беш кундан бири литвалек эмас. Бирок Вильнюс райони тарихан шундай таркиб топгани, у ердаги аҳолининг қўнчилик камчилигини ташкил этган миллатлар: 60 фоздан кўпроги поляклар, 16 фоздан белоруслар, 15 фоздан руслардир. Бугун бу ерга КПСС Марказий Комитети Сийбис бюросининг азаси, Марказий Комитет секретари В. А. Медведев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бурковичюс, Белоруссия Компартияси Витебск област комитетининг биринчи секретари В. В. Григорьев келдилар. Улар «Пяргалев» («Галава») колхозининг клубида ҳўжалик меҳнаткашлари, райондаги бошқа ҳўжаликларнинг ақиллари билан учрашдилар. Республикдаги ва райондаги миллатлараро мусобабалар тўғрисида, Литва Компартиясининг XX съезидан кейин юзага келган муаммолар ҳақида, СССР ва КПССнинг демократик ривожлантириш йўллари тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди.

Йилгиш эди берган саволлар руҳи республикдаги вазиятнинг бир хил эмаслигиндан, одамлар янгиланаётган федератив давлатининг тақдирини, КПСС бирлигини ташвишланиётганликлари кўрсатди. Республикдаги камчилигини ташкил этган миллатлар қачон унинг саябга қўйилган органларида мутаносиб миқдорда ўринларга эга бўлади? Литвадаги иккита партия қандай ҳолати позицияларини маълумлайди. Литва Компартиясининг ёки КПССнинг йилгишан ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясининг «Литвадаги мутаносиб ҳолати» бу қандай маълумот билдирадиган? Республикдаги камчилиги миллатлар аҳолининг қўнчиликнинг ташкил этган жойларда автоном территориялар билан ташкил этиш тўғрисида ўртоқ А. Бразаускаснинг шахсий фикри қандай? Ана шундай саволларнинг кети узилабди...

Ечмилар биланлида, қўнчилик қизқичқилик билан, ҳиссикета берилиб, аммо пировад натижасида ўзаро манфадорлик ва амалий тарзда изланимоқда. Жамоат мулоқоти йўллари, бегналушнинг бартаф этиш ва мижорларга барҳам бериш йўллари изланимоқда. Бугунги кунда бутун республика ана шундай изланишга муҳтождир.

В. А. Медведев партияда демократиялаш йўллари тўғрисида гапириб берди, рес-

публикада миллий иноқликка ҳавф солинаётганлиги мутаносаб билан ва КПСС тақдирини ҳавотирлик билдирган СССР халқ депутаты А. П. Брадовский, механизатор С. Сержантович, пенсионер В. Десевич ва бошқа нотикларнинг фикрини қўллаб-қувватлади. КПСС Марказий Комитетининг секретари совет кишилари яхши турмушга бўлган оруз-умидларини қайта қуриш билан боғлаётганликлари ва унинг муваффақияти ҳал қилувчи даражада партия сарфларининг бирлигига боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Кечқурун Вильнюс педагогика институтига бўлиб ўтиш учурашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитетини декабрь пленумининг ҳозирги вақтда литва халқи қандай яшөөтганлигини ўша жойнинг ўзида қўриш ва тушунишга иштирок ва шундан кейингина Литва Компартиясининг XX съезидан кейин сўзга келган вазиятнинг муҳокима қилиш учун ишчи тўхтатганлигини пухта ўйланган вазимин қарор деб баҳоладилар.

В. А. Медведев қўнчиликларни таъкидлади: уч кун давомида бўлиб ўтган кескин ва қизгин мунозаралардан олдинги принципал муҳим таассурот шундан иборатки, Литва аҳолиси қайта қуришни қўллаб-қувватламоқда, улар М. С. Горбачевга ҳўрмат ва ишонч билдириб, ўзларининг жуда катта оруз-умидларини унинг республикага келиши билан боғламақдалар.

Учрашувда сўзга чиққан профессор ва ўқитувчиларнинг вакиллари, студентлар Литва Компартияси XX съезиди қарорларини, мустақил Литва Компартиясини қўллаб-қувватлашларини айтдилар. Улар Литва коммунистларининг мустақиллиги тўғрисидаги қарор республикдаги қайта қуриш жараёнлари мантқиқига мос эканлиги тўғрисида гапирдилар. Нотикларнинг анча қисми Литва Компартияси XX съезидан кейин қарорлар билан келгусида Литвадаги совет Иттифоқи тарихидан қишқик ўрғасида қандайдир боғлиқлик бор деган фикрга қўшилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийбис бюросининг азаси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. А. Бразаускас, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков Вильнюсдаги «Сигма» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг бориб қуриш билан ўш кунини бошлади. Маълум қорхонани маълумоти Совет Иттифоқи халқ ҳўжалигининг деярли барча тармоқларида кенг фойдаланилиб, чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхона информатиканинг замонавий воситалари

Чунончи, Бўдённий номи совхозда йил бошидан буюн 22 бош қорамол ҳаром ўлди, 46 бош мажбуран сўйилди. Ленин номи совхозда ҳаром ўлган жониворлар оғроқкам — 22 бош бўлса, мажбуран оз эмас-қў эмас 88 бош мол сўйилган. Шундай қилиб, райондаги 6 та ҳўжаликда 63 бош қорамол ҳаром ўлган, 579 бош мажбуран сўйилган. Агар Бўдённий номи совхоз раҳбарлари (директори С. Тўхтамишев, бош зоотехникни Қ. Чориев, бош ветврач А. А. Язмов) бу йилги қишлоғида деярли тайёргарлик қиришмаган, десак мувофиқа бўлмайдик. Молхоналар тўзатиладиган, оғир юмушлар асосан қўлда бажарилди. Бу ерда турғунхона йўқ, ситиллар айвон тағидида гўнг устида бузоқлапти. Сўнги қончириш пунктни ишламапти. Наслдор буюлар умумий подага қўшиб юборилган. Шундай бўлса, маълумдор ситиллар қўймайётганлиги тасодифий эмас. Биз борган кунни ҳар ситилдан 4—4.5 килограммдан сўт соғиб олишмаётганлиги маълум бўлди.

Шеробод районидаги Усмон Юсупов номи совхозда (директори Ш. Қадҳоров), қишлоқ яхши ўтаётган, озуқа цехи мавжуд ем-хашакни аралаштириб турибди. Чорвардорларга қўлай шарт-шароит яратилапти. Ферма тўзатишга ижара пулратига ўтказилган. Бош зоотехник С. Самовос асосий ишлари ҳисобланади. Янгича талабдор асосида иш юритилаётганлиги туфайли совхозда маълумот етиштириш ва давлатга топиштириш планларини ошириб бажарилапти. Бу ерда коммуналтик мусобаба ҳар ўн кунда якунланади. Ҳўйлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқдалар. Илгори чорвардорлар турли курортларга бепул йўлланма билан тақдирланишмоқда.

Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозда ҳам ижобий силжишга эришилётганлигини таъкидлаш керак. Биз ҳўжаликларда бўлиганимизда сермеҳнат юмушларини техника зиммасига қўлаш масаласига алоҳида эътибор бердик. Аксариyat фермаларда озуқа цехлари, хашак майдалогич, гўнг чаккири, суғироти ва сўт қорғиш механизмида мавжудлигини қайт этиш лозим. Аммо улардан фойдаланиш масаласи талабга жавоб берилади. Ҳўжаликларнинг инженерлик хизмати фермадаги машина-механизмларга қайрилиб қарамайди. Шеробод, Ленин йўли, Жарқур

ғон ва Гагарин районларида ҳўжаликларнинг бош ижарелари йил давомида фермага атиги икки-уч марта таширф буюрилганлиги маълум бўлди. Айрим жойларда озуқа цехи ёки бирор агрегатнинг эҳтиёт қисми ишдан чиқса, уч-тўрт ойлаб қаттариб қўйилади. Ферма механигининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Озуқа цехи ишлатилмаганда емши тўғиритилган-тўғри оғроқ солинади, натижада қўл меҳнатининг салмоғи ошиб, исофогарчилигига йўл қўйилади.

Сурхондарёда электр энергияси узилиб қолгани оддий воежа саналаркан. Холқубу, бу узлуқсиз жараёнга боғлиқ бўлганлиги учун «фавқуллоҳда» ҳол ҳисобланиши керак. Маълумотларни қўздан кечирганимизда электр энергияси узиб қўйилган қуларлар қорамолларга 20—25 фоз кам емши бериладиган экан. Ситилларнинг сўти кескин камайди, Соғин икки соат ўрнига 3—3.5 соатга қўзилди. Ситирсоғарларнинг шошилиб ишлашлари оқибатида сутлаг ич миқдори камайиб кетди. Бу масала бутун кескинлиги билан Гагарин районида муҳокима қилинди. Район электр тармоқлари бошлиғи энергияни тежақ ҳақидаги буйруққа биноан шундай қилилапти, дейди. Наҳотки, бу борадаги масъул шахслар халқимизнинг насибаси ҳам тежаётганми? — аниқроғи қирғиланганлигини билдирмасан! Визингча, сутчилик фермаларини электр энергияси билан биринчи навбатда таъминлашдан тўнфадига қорхоналар қаторига ўтказиш пайти келди.

Сурхондарё ҳўжаликлариди қўнган-билганларимизни бир мақолага жойлаш мумкин. Биз газета орақли област чорвардорлари, ҳўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига мурожаат қилиб, қишнинг шу қаҳратон кунларида йиллар мабанида тўпланган тажриба ҳамда маҳоратига ишга солишга, фермалар маълумдорлигини муттасил юксалтиришга даъват этмак. Ана шундай халқимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланадиган, ҳаётимиз янада гўзаллашади.

А. ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон давлат кооператив қишлоқ ҳўжалиги комитети озуқани қайта ишлаш ва фойдаланишни ташкил этиш бўлими бошлиғи, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, республика мутахассислар гуруҳи раҳбари.

ШАХМАТ Италиянинг Реджо-нель-Эмилия шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро мусобаба Ян Эльвествинг галабаси билан тугади. У ўн имкониятдан 7.5 очко жамғарди. Василий Иванович ғолибдан бир очко ортда қолди. Соғиб жаҳон чемпиони Анатолий Карпов учинчи ўрин билан ифтихорланди. Карпов бирор маротаба ҳам мағлубиятга учрамай 6 очко тўплади.

Кейинги ўринларни Ульф Андриссон (Швеция), Золтан Рибли (Венгрия) — 5.5 тадан очко, Михаил Гуревич — 5, Крум Георгиев (Болгария), Маргрет Петурсон (Исландия) — 4.5 тадан, Ник де Фирман (АҚШ), Лайош Портиш (4 тадан) ва Александр Беляевский (2) ёталадилар.

Симферополда ўсмирлар ўртасида мамлакат 39-йилги йилги давом этмоқда. Унда барча иттифоқдор республикалар, Москва, Ленинград шаҳарлариди 54 нафар қўнчи шахматчи ғолиблик учун баҳс юритапти. Ҳозирча мусобабадаги бош турти ортда қолди. Барча учрашувларни галаба билан якунлаган литвалек Ш. Шўльскс яқна пешкадан бўлиб олди. Ленинградлик В. Сакаев ва белорусиялик В. Михалевский 4.5 тадан очкога эга. Яна олти турдан сўнг турнир нїҳоясига етади.

ФУТБОЛ Кеча Ленинградда ФИФАнинг биринчи вице-президенти В. А. Гранаткин хотира-сига бағишланган ўсмирларнинг анъанавий халқаро турнири бошланди. Унда ГДР, ГФР, ХХР, Финляндия, мамлакатимизнинг биринчи ва иккинчи терма командалари ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Мусобаба давра усулида ўтказилади. У 19 январда нїҳоясига етади.

ТЕННИС Австралиянинг Сидней шаҳрида яна бир йирки мусобаба бошланди. Унда натижада мамлакатимиз вакили Наталья Зверева дастлабки даврада япониялик Акико Киримутани 6:3 ва 6:1 ҳисобида етди. Лекин Александр Волков илгари учрашувини бой берди. У ГФР теннисчиси Борис Беккердан мағлубиятга учради — 3:6, 2:6.

Наталья Зверева иккинчи даврада яна зафар қўчди. Бу сафар моҳир теннисчиз италиялик Лауре Толасдан устун (6:4, 6:3) келди.

Саноатнинг қишлоқдаги одимлари

ҚАРЗДАН ҚУТУЛИБ, ФОЙДА КЎРИШМОҚДА

Фаргона область Ленинград райони марказида консерва заводи қурилиб, ишга туширилганига ўн йилдан ошди. Шу даврда мазкур корхона бирин йил ҳам планни бажаролмай, давлатдан доимо қарздор бўлиб келарди. Ҳатто ишчиларга ойлик маош тўлаш учун маблаг топилашди. 1989 йилнинг бошланишида район партия, совет, қишлоқ ҳўжалиги органлари корхонадаги аҳвални ўнгилаш учун шошиил қаралар қўришди. Ўнг аввало ташкилотда ва омишкор кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Ҳасанбой Қўзибоев заводида директор этиб тайинланди. Корхонанинг бошқа муҳим бўғинлари ҳам мутахассислар билан мустаҳкамланди.

Янги раҳбар энг аввало ишчи бутун тевақаратрофини тартибга келтиришдан бошлаб, ишчи-хизматчиларга ҳашар уюштиришни тақлиф этди. Коллектив аъзолари уни қўллаб-қувватладилар. Барча цехлар, ишлаб чиқариш бўғинлари тартибга келтирилди, ораста қилинди. Маана шундай шароитдагина ишчи унумли меҳнат қилди. Корхонада иттизоми мустаҳкамлаш, маълумот сифатини яхшилаш юзасидан ҳам амалий тадбирлар қўрилди.

Ўтган йилнинг бошланишида завод давлатдан 700 минг сўм қарздор эди. Амалга оширилган ташкилий, техникавий тадбирлар, бўғинлар ва бригадалар ўртасида меҳнат беллашувини авж олдирилди, ғолиблар моддий ҳамда маънавий жи-

ҳатдан рағбатлантириб борилганлиги туфайли корхонада аҳвол ойма-ой яхшиланадиган бўлди. Маълумот етиштириб борилганлиги ҳам қўрсаткичларнинг ўсишида муҳим аҳамият касб этди. Қўрилган тадбирлар ўз самарасини берди. Завод сентябрь ойининг боғинида 1989 йил планини ошириб бажаришга муваффақ бўлди. Пландида 18 миллион ўрнига 22 миллион шартли банкадан зиёд маълумот таъйинланди. Йил бошида 700 минг сўм қарздор қарздан батамом қутулиб, 45 минг сўм фойда қўриди. Бу қўрсаткич йил охиригача яна бир неча ўн минг сўмга қўйлади.

Ана шу ютуқларга Ҳалолдин Носиров етакчилигидаги тоғат цехи ишчилари катта ҳисса қўшдилар. Улар 8.5 минг ўрнига қарий 11 минг шартли банка маълумот таъйинлашга муваффақ бўлдилар. Шу бўғиннинг Акрамжон Азимов, Яўлошали Раҳмонов, Қисаной Султонова, Маъмурахон Сотвалдиева сингари ҳодимлари унумли меҳнат қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлишди.

Меҳнат беллашувида Мавлонбек Юсупов бошчилигидаги шартли цехи коллективлари ҳам яхши натижаларга эришди. Акрамжон Азимов, Ўтбасар Назаров, Зўрхон Дехондоев сингари ишчилар шу бўғинда яхши натижаларга эришди. Аҳолининг муносиб улуш қўшдилар.

Мамлакатдаги контрастарга шерик бўлган гуруҳа фоз этилиб, қамқоқа олиналганини хабар қилди. «Радно Сандино» радиостанцияси орақли эълон қилинган хабарда таъкидланганча, мамлакат шимолидаги Хинотга департаментда яшовчи қамқоқа олинган савқиз киши ёллама қалласеарлар қорғоқ отрядларининг Гондурас территориясидан Никарагуага суқилиб қиришга ёрдамлашиб, уларни зарур маълумотлар ва озиқ-овқат билан таъминлаб турган.

Қўлга олинган шахслар, деб таъкидланади хабарда, Сандинолар миллий озодлик фронтининг маҳаллий раҳбарларидан бири ўлдирган ақилчиқдорчиликларга қўмаклашганлар.

ТОКИО. Японияда атом электростанциялари 1989 йилдаги бутун иш вақтининг 4 фозиди давомида хилма-хил носозликлар туфайли ишламаган. Бу — шундай маълумотлар тўғрисида бошланган 1981 йилдан буюн АЭСларнинг вақтинчалик тўхтаб қоллишлари орасида энг юқори қўрсаткичдир. Табиий ресурслар ва энергетика агентлигининг хабар қилишича, мамлакат атом электростанцияларида ўтган йили 35 та, 1988 йилда эса 42 та ана шундай ҳодиса қайд этилган эди.

Япония оролларида ишлатилган 37 та атом электростанциясида ўтган йили 29.25 миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқарилган.

МАНИЛА. Филиппин президентини Корасон Акино мамлакатда янги ҳарбий туғитарини хавфи сақланиб

(ТАСС).

Кейинги ўн йилликлар мобайнида Нигерия қишлоқлари кўринишида, аҳоли турмуш шароитида ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-

қонлар меҳнати оғир.

СУРАТДА: Нигерия қишлоқларидан бири.

муш шароитда ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-

қонлар меҳнати оғир.

СУРАТДА: Нигерия қишлоқларидан бири.

муш шароитда ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-

қонлар меҳнати оғир.

СУРАТДА: Нигерия қишлоқларидан бири.

муш шароитда ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-

қонлар меҳнати оғир.

СУРАТДА: Нигерия қишлоқларидан бири.

муш шароитда ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-


қонлар меҳнати оғир.

СУРАТДА: Нигерия қишлоқларидан бири.


муш шароитда ижобий ўзгаришлар кам бўлди. Тоғи похол билан ёнган пахта уйларини ҳамон қўллаб уқратиб туриш мумкин. Хонадонларда электр, водопровод йўқ, дех-

P. — 03032.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12



09. 1



4 5 6 7 8 9 10 11 12